



THE EMERGENCE OF THE RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL TEACHING OF SUFISM IN TURKESTAN

Abdikamil Vafaeovich Narbekov

Doctor of Philosophy in History

Associate Professor National University of Uzbekistan

narbekovabdikamil@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: religious system, world religion, Zoroastrianism, Buddhism, Judaism, Christianity, Sunni Islam, Shiism, Hanafi Islam, sect, Sufism, patriotism, Waliyya.

Abstract: This article examines the history of the spread of Sufism in Turkestan and the life of Al-Haqim At-Termizi, who made a significant contribution to its emergence in our region. It provides a scientifically substantiated account of the essence and significance of Sufism, based on Sunni dogma and ideas, and its influence on the development of our region.

Received: 19.10.25

Accepted: 20.10.25

Published: 21.10.25

ТУРКИСТОНДА ТАСАВВУФ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ЁЙИЛИШИ

Абдикамил Вафаевич Нарбеков

Тарих фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон Миллий университети

narbekovabdikamil@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: диний тизим, жаҳон дини, зардуштийлик, буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик, суннийлик, шиалик, ҳанафия, мазҳаб, сўфийлик, тасаввуф, ватанпарварлик, валийлик.

Аннотация: Мақолада Туркистонда тасаввуф таълимотининг ёйилиши тарихи, минтақамизда вужудга келшида алоҳида хизмат кўрсатган Ал-Ҳақим Ат-Термизийнинг ҳаёт йўли ва диний таълимоти илмий ўрганилган. Суннийлик йўналиши ақидалари ва ғоялари асосида ривожланган тасаввуф тариқатларининг минтақа таракқиётида тутган ўрни ва аҳамияти ёритилган.

ВОЗНИКНОВЕНИЕ В ТУРКЕСТАНЕ РЕЛИГИОЗНО-ФИЛОСОФСКОГО УЧЕНИЯ СУФИЗМА

Абдикамил Вафаевич Нарбеков

Кандидат исторических наук, доцент

Национальный университет Узбекистана

narbekovabdikamil@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: религиозная система, мировая религия, зороастризм, буддизм, иудаизм, христианство, суннизм, шиизм, ханафия, секта, суфизм, патриотизм, валийя.

Аннотация: В статье изучена история распространения религиозного учения суфизма в Туркестане, жизненный путь Ал-Хакима Ат-Термизи который внес большой вклад в его возникновении в нашем крае. Научно обоснованы сущность и значение учения суфизма, основанного на догматики и идеях суннизма, и его влияние в развитии нашего края.

Туркистонга ислом дини кириб келишидан олдин зардуштийлик, буддавийлик, яхудийлик, насронийлик ва бошқа дин турлари фаолият олиб борган. Уларининг кўпчилиги (буддавийлик, яхудийлик ва насронийлик) минтақамизга четдан кириб келган [1.22]. Маҳаллий яккахудолик белгиларига эга тангричилик ва зардуштийлик динларига кўчманчи ва ўтроқ халқлар эътикод қилган [2.81-82,49].

Минтақамизга қадимги даврда кириб келган динлар таълимоти, ақидалари ва маросимларини маҳаллий шарт-шаротларга мослашиши зарур эди. Бу взифа “ақлнинг ғаройиб мўжиза” си ёки бошқаларнинг тажрибасидан нусха кўчириш билан бажарилган эмас [3.10-11].

Туркистон қадимдан тамаддунлар ва карвон савдо йўллари кесишган минтақада жойлашганлиги сабабли, шаҳарлар ва ўтроқ деҳқончилик маданиятида тили, урф-одат ва анъаналари турлича бўлган халқлар яшаган. Минтақа икки қисмга бўлинган Шарқий ва Ғарбий Туркистон. Ғарбий Туркистоннинг маркази Фарғона воҳаси бўлиб, аҳолиси асосан туркийлар эди. Фарғона водийси ўзбек адабий тили маркази бўлганлиги фикримизни тасдиқлайди [4.72]. Кўчманчи чорвадорлар асосан дашт, чўл ва тоғолди ҳудудларида истиқомат қилган. Уларнинг этник таркиби, ўтроқ деҳқончилик марказлари шаҳарлар ва воҳалардаги каби хилма-хил бўлмаган. Этник жиҳатидан улар туркий халқлардан ташкил топган. Туркий халқлар қабилавий иттифоқларга бирлашиб, ўтроқ аҳоли яшайдиган ҳудудларга мунтазам равишда юришлар уюштирган. Айрим қабила бошлиқлари бу юришларда муваффақият қозониб йирик туркий давлатларга асос солган. Кўчманчи туркийлар кўшиб олинган ҳудудда истиқомат қилган туркий қавмларга қўшилган. Шунинг

учун туркийлар кўчманчи чорвадорлар, ўтроқ деҳқончилик минтақаларида яшаган қабилалар форсий тилда сўзлашувчи аҳоли бўлган, деган хулоса илмий асосга эга эмас.

Ахамонийлар давлати ҳукмронлиги даврида оромий ёзуви асосида ишлаб чиқилган сўғд ёзуви ва форсий тил, расмий тил сифатидан сақланиб қолди. Араб халифалиги истилосидан кейин, минтақада туркий ва форсий тилга қўшимча равишда, араб тили ҳам расмий тил сифатида қабул қилинди. Минтақада уч тиллик тизимига ўтилиши, унинг маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди.

VII-асрнинг бошларида ислом таълимоти Маккада шаклланди. Кейинчалк Ироқ, Қуртуба, Миср, Эрон, Хуросон ва Туркистон (Мовароуннаҳр ва Хуросон) қаби йирик ислом илмий марказлари вужудга келди. Ислом таълимоти “Илм-ар-рай” (“этиқод ҳақидаги илм”) ва “Илм ал-осор” (Қадимий ривоятлар (ҳадислар) ҳақидаги илм) ривожланиши жараёни узоқ вақт давом этди. IX-X-асрлар ислом таълимоти ривожланиши тарихида алҳида даврни ташкил этганлиги сабабли, эришилган ютуқлар кўлами эътиборга олинаиб, “олтин давр”, деб баҳоланди. Ислом таълимотининг алоҳида соҳалари калом, ҳадисшунослик, фикҳ ва тасаввуф (сўфийлик) илмининг йирик алломалари етишиб чиқди. Ислом таълимоти тизимлаштирилиб, суннийлик йўналиши ҳанафий мазҳаби, кўпчилик мамлакатларда расмий давлат мафкураси мақомини олди.

Ислом динининг Туркистонда кенг тарқалишида, тасаввуф диний-фалсафий таълимоти вакиллари сўфийларнинг ҳизмати алоҳида эътиборга лойиқ. Тасаввуф диний-фалсафий таълимотнинг ривожланиши тарихи уч даврга бўлинади. Биринчи даври VII-VIII асрлар зуҳд (арабча оз, кам нарса) даври – дунёвий ҳаётдан воз кечиш, моддий неъматларга, ўткинчи истакларга бефарқлик, қалбни Аллоҳдан бошқа барча нарсалардан тозалашга даъват этилган; Иккинчи даври IX-XII-асрларни сўфийлик таълимоти тизимлаштирилди. Сўфийлик тарқатларининг атоқли алломалари етишиб чиққан; Учинчи даври XII-асрда бошланган, сўфийлик тариқатлари жамоатлари вужудга келди [5.73-76].

Сўфийлик таълимотини Туркистонда ёйилиши масаласи Россия империяси ва Советлар даврларида илмий ўрганиш бошланди. Россия-Совет тарихчилари сўфизмнинг Туркистонда ёйилишига, мусулмон калом фалсафасининг атоқли вакили Муҳаммад Ғаззолий (1058-1112) ижодининг Туркистонга катта таъсир кўрсатганлиги таъкидланади. XI-XII-асрларда сўфийлик Туркистонга Ироқ ва Эрон орқали кириб келган, деган қарашлар мустаҳкамланди [6.414-415].

Ўзбекистонда чоп этилган тарих дарсликларида сўфийликнинг минтақамизга кириб келиши хронологиясига ўзгартиришлар киритилди. X-асрдан минтақамизга сўфийлик кириб кела бошлаганлиги ва унинг ёйилишида Бухоро сўфийлик мактаби вакили Юсуф Хомадонийнинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги таъкидланди [7.481].

Советлар даврида Россия-Совет тарихчиси В. В. Бартольд Бухоро сўфийлик мактаби марказ вазифасини ўтаганлигини қайд этган, лекин у сўфийликни кириб келиши XII-асрдан бошланган деган хулосага келган [8].

Советлар даврида қабул қилинган, сўфизмни Ироқ ва Форс орқали Туркистонга кириб келганлиги ғояси асосга эга эмас. Зеро, VIII–IX-асрларда Туркистон Араб халфалиги давлати таркибидаги ҳудуд эди. Бошланғич таълимни юртида олган ёшлар, ўқишни Бухоро, Самарқанд, Марв каби шаҳарларда давом эттирган. Кейинчалик уларнинг илмга чанқоқ қисми, Ўрта ва Яқин шарқ мамлакатларида илмий фаолиятни давом эттириган. Уларнинг маълум бир қисми ҳорижда яшаб, илмий фаолият олиб борганидан кейин, юртига қайтиб келиб фаолиятини давом эттирган.

Туркистонда мустақил давлатлар вужудга келганидан кейин, илм олиш учун ёшларнинг ислом дунёси илмий-маданий марказларига бориб, ўқиши анъанаси сақланиб қолди. Бухоро, Марв, Самарқанд, Термиз каби минтақамизда йирик илмий-маданий ва диний марказлар юзага келди. Ислом тамаддуни илмий-маданий марказлари ўртасидаги бевосита алоқа анъалари давом эттирилди. Бундай алоқалар диний таълимотда бошланаётган ўзгаришлардан минтақамиз бевосита хабардор бўлиш имконини берган. Сўфийликнинг Ироқ ва Эрондан кейин минтақамизга кириб келганлигини тўғрисидаги хулоса илмий асосга эга эмас, деб ҳисоблаймиз. Имом Бухорий, Имом Исо Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Кафол Шоший ва бошқа алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти фикримизнинг исботидир.

Юқорида сўфизмнинг ривожланишини даврларга бўлдиқ. Унинг илк даврида Туркистонда зоҳидлик ҳаракати кириб келганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ. Зиёрат туризми, Яқин ва Ўрта Шарқнинг маданий, илмий марказларига илм олиш учун ҳижрат қилиш анъанаси вужудга келди ва ривожланди. Узок ўтмишда ҳам илм-фаннинг тараққиёт ва маърифат уруғларини тарқатиш борасида турли улкаларнинг вакиллари яқдил бўлиб фаолият кўрсатиб. самарали ҳамкорлик қилганлари, умумбашарий кадриятлар равнақи йулида ҳақиқий ҳамжихатлик руҳи мавжуд бўлгани ҳозирги давримиз учун ибратли бир ҳолдир [9.21]. Атоқли исломшунос аллома Ал-Ҳаким Ат-Термизийнинг ҳаёт йўли бунга яққол мисолдир. Манбаларда Ҳаким Ат-Термизийнинг таваллуд топган йили тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Бунга сабаб аллома яшаган даврда манбаларда кишининг фақат вафот этган санаси ёзилганлигидир. Алломанинг вафот этган йили тўғрисида манбалардаги маълумотлар бир-биридан фарқ қилади. Таниқли араб тадқиқотчиси Ҳожи Халифа (1608-1657) “Кашф уз-зунун” номли библиографик асарида Ҳаким ат-Термизий вафотини ҳижрий 869 йил деб кўрсатган. Алломани 112 ёшида вафот этганлигини ҳисобга олсак, унинг туғлиган куни тахминан 750-760 йиллар оралиғига тўғри келади. Алломанинг

мақбарасидаги қабр тошида ҳам ана шу сана қайд этилган. Мисрлик олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака алломани 820 йилда Термиз шаҳрида таваллуд топиб, 932 йилда 112 ёшида вафот этганлигини қайд этган [10.25]. Ҳозирги даврнинг илмий манбаларида ҳам аломанинг таваллуд куни тўғрисида турли маълумотлар берилган. Уларнинг кўпчилигида Мисрлик олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Бараканинг маълумотлари қайд этилади [9.52]. Биз Ал-Ҳақим Ат-Термизийнинг таваллуд топган кунига урғу беришимизнинг сабаби шундаки, аллома сўфийлик таълимотига бағишланган илмий асарлар яратган. Туркистонда сўфий тариқатлари вужудга келишида иштирок этган.

Манбаларда унинг қаламига мансуб 400 га яқин, айрим манбаларда 80 та ёки 40 асарлари мавжудлиги қайд этилади [9.56]. Масаланинг мураккаблиги шундаки, унинг кўпчилик асарлари бизга қадар етиб келмаган. Ал-Ҳақим Ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” (“Авлиёлар муҳри”, тахмин. 869 йил), “Китоб ҳақийкат ал-одамиййа” (“Инсоният ҳақиқати тўғрисида китоб”), Адаб ун-нафс” (“Нафс одоби”) номли асарларида тасаввуф тарихида биринчи маротаба “валоят-валийлик” назарияси Термиз ва Балх атрофида «ал-ҳақимия» тасаввуф аҳли учун таълим дастури бўлган [10.91].

Хулоса қилиб айтганда, Ал-Ҳақим Ат-Термизий Туркистонда сўфийлик диний-фалсафий таълимоти ва тариқатлари вужудга келишига катта ҳисса қўшган аллома сифатида ҳам тарихда қолган. Унинг асарларига таяниб биз сўфизмнинг Туркистонда ёйилиши IX-асрдан бошланган деган хулосага келишимиз мумкин.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Қодиров Б., Матёкубов Х. Ўзбекистон тарихидан мавзулар бўйича илмий изоҳли луғат – Т., 2008. – 22 б.
2. Narbekov A. V. Dinshunoslik asoslari: O‘quv qo‘llanma. – Т.: O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2008. –81-82 б. Алимова М., ва бошқалар Диншунослик: Ўқув қўлланма / – Тошкент, 2021. – 49 б.
3. Агаджанян А. Религия и терия: современные тенденции //Государство, религия, церковь №3 (31). 2013. – С.10-11.
4. Турсунов У. Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 1982. – 72 б.
5. Эскарханов Г. Л. Суфизм как мистико-философское учение в исламе //Исламоведение. 2012 №2. – С.73-76.
6. Ўзбекистон ССР тарихи. Ғуломов Я.Ғ ва бошқалар. Ж.1. – Т., Фан. – 414-415 бетлар.
7. Sagdullaev A.S. O‘zbekiton tarixi: I kitob. Darslik. – Toshkent “NIF MSh” 2024. – 481.

8. В.В.Бартольд История культурной жизни Туркестана, Л., СССР Изд-во ФА, 1927.
9. Буюк юрт алломалари [Матн] / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У. Уватов. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 21, 52, 56 б.
10. Nomozov B. Sharq allomalarining ilmiy-ma'naviy me'rosi [Matn]: O'quv qo'llanma. – Buxoro: "Sadriiddin salim Buxoriy". – 25, 91 b.